O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 6 ноябрь, №227 (3339) Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш устувор масалалардан бирига айланиб бормоқда. Юртимиз вакилларининг турли халқаро беллашувларда, Олимпиада ўйинлари ва Жаҳон биринчилиги мусобақаларида юксак натижаларга эришаётгани, республикамизнинг спорт салоҳияти янада ошаётгани, марказда ва жойларда жаҳон андозаларига мос муҳташам спорт мажмуалари, замонавий стадион ва кортлар барпо этилаётгани, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида уч босқичдан иборат "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" ўйинлари тобора оммалашиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Шу билан бирга, оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги ролини, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларга ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришда спортнинг аҳамиятини очиб бериш, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини янада ошириш борасида оммавий ахборот воситалари ўзининг муносиб ўрнини ҳамон топа олмаётганини, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланмаётганини таъкидлаш лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, бундай ҳолат ва камчиликларнинг сабаблари аввало матбуот соҳасида журналистларнинг ихтисослашуви талаб даражасида эмаслиги, хусусан, спорт журналистларининг профессионал савияси пастлиги, юртимизнинг айрим жойларида ота-оналар, мутасадди раҳбарлар ўртасида спорт соҳасига лоқайдлик билан қараш ҳоллари мавжудлиги, бу масала бўйича жамоатчилик фикри сust шаклланаётгани билан боғлиқдир.

Мамлакатимизда оммавий спортни янада ривожлантириш, унинг моҳияти ва аҳамиятини, бу борада амалга оширилаётган катта ишлар ва бажарилиши лозим бўлган вазифаларни кенг жамоатчиликка етказиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ***ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. "Ўзтелерадио" компанияси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ўзбекистон телевидениесининг 4-"Халқаро" телеканалини махсус "Спорт" телеканалига айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

"Спорт" телеканалини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар бўйича "Ўзтелерадио" компанияси тақдим этадиган ҳисоб-китоблар асосида 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан тегишли маблағларни ажратсин;

2004 йилдан бошлаб ҳар йили "Спорт" телеканалини ва радио эшиттиришларни давлат бюджетидан молиялаштиришни "Ўзтелерадио" компаниясининг йиллик харажатлари доирасида ҳисобга олсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги "Спорт" телеканалини техник жиҳатдан жиҳозлаш билан боғлиқ масалаларни Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Телерадиокомпанияси тизимини техника билан комплекс қайта жиҳозлаш тўғрисида" 1997 йил 25 августдаги 412-сон қарорида кўзда тутилган маблағлар доирасида амалга оширсин.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва "Ўзтелерадио" компанияси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда янги "Спорт" телеканали фаолиятини ташкил этиш, унинг дастурини мамлакат ҳудудига эфир орқали узатиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. "Ўзтелерадио" компаниясига:

"Спорт" телеканали кўрсатувларини 2004 йил 1 январдан бошлаб кунига 6 соат ҳажмда;

2004 йилнинг апрель ойидан бошлаб кунига 8 соат ҳажмда ишга туширишга;

Ўзбекистон радиоси спорт эшиттиришларининг эфир вақтини 2 соатга узайтиришга;

ижодий жамоалар, юридик ва жисмоний шахслар билан муайян ишларни бажариш учун муддатли шартномалар тузиш ҳамда келишилган баҳоларда тўловларни амалга оширишга рухсат берилсин.

6. "Спорт" телеканалининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат деб белгилансин:

аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, спорт маданиятини юксалтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш;

болалар спортини ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифалари, стратегик йўналишлари бўйича ахборот ва тарғибот ишларини изчил равишда олиб бориш;

Ўзбекистон спорт ҳаётини, миллий спорт турларини, халқ ўйинларини, мамлакатимиз вакилларининг халқаро спорт майдонларидаги иштироки ва ютуқларини мунтазам ёритиб бориш;

халқаро спорт федерациялари ва клублари, спорт турлари ва машҳур спортчилар тўғрисида кўрсатувлар, теле-радиоочерклар, видеороликлар, клиплар тайёрлаш ва намойиш қилиш;

халқаро ва хорижий мамлакатлар спорт матбуоти, телерадио каналлари билан ҳамкорликда Олимпиада ўйинлари, Жаҳон ва Осиё биринчиликлари, бошқа нуфузли халқаро мусобақалардан бевосита кўрсатув ва репортажлар тайёрлаш.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, "Шарқ" нашриётматбаа компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги, "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги ҳамда оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиш, мавзуга оид китоб, альбом, плакат ва буклетларни мунтазам ва режали асосда нашр этиб бориш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига Молия вазирлиги билан биргаликда ўз тасарруфидаги нашрларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижодий жамоаларга малакали спорт журналистларини жалб этиш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш вазифаси юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва "Ўзтелерадио" компанияси оммавий спорт тарғиботи бўйича алоҳида фаоллик кўрсатган журналистларни рағбатлантириш учун қуйидаги миқдорда йиллик мукофотлар таъсис этсин:

1- мукофот – энг кам иш ҳақининг 20 баробари;

2- мукофот – энг кам иш ҳақининг 15 баробари;

3- мукофот – энг кам иш ҳақининг 10 баробари.

Мукофотлар тўғрисидаги Низом бир ой муддат ичида ишлаб чиқилсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлансин.

Мукофотланганлар рўйхатини 2004 йилдан бошлаб ҳар йили 27 июнь – "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни" байрами арафасида эълон қилиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига оммавий ахборот воситалари учун спорт соҳасига ихтисослашган малакали журналистлар тайёрлаш мақсадида Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоғистон Давлат университети ва Жаҳон тиллари университетида истиқболли йўналишларни ҳисобга олган ҳолда спорт журналистикаси бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, спорт журналистикасига ихтисослашган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш вазифаси юклансин.

2003/2004 ўқув йилида республика олий таълим муассасалари магистратурасида "Спорт журналистикаси" мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашга киришилгани маълумот учун қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбеккино" компанияси, "Маънавият ва маърифат" маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Бадиий академияга инсонинг маънавий ва жисмоний камолотида оммавий спортнинг муҳим аҳамиятини ҳаётий мисоллар орқали акс эттирувчи бадиий асарлар яратиш бўйича маърифий, ижодий ишлар режаларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. Азизхўжаев ва Р. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 4 ноябрь.



Хорижникидан қолишмайди

Мамлакатимизда спорт, хусусан болалар спортини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаяпти ҳамда турли-туман спорт анжомлари ишлаб чиқариш ҳаҷ яхши бир аньанага айланиб бормоқда.

Ўзбекистон — Покистон «Завка ЛТД» қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлаганига ҳам кўп вақт бўлмаган бўлсада, унинг маҳсулотлари харидорларга манзурлиги боис тез оммалашмоқда.

Бугунги кунда 176 нафар қашқадарёлик ёшлар меҳнат қилаётган мазкур корхонада ҳар ойда ўртача 1200 дона 16 турдаги футбол тўплари ишлаб чиқарилаяпти. Муҳими ушбу маҳсулотлар пишиқ-пухталиги билан хорижникидан сира қолишмайди. Нархи ҳам ончалик қиммат эмас. Шунданми, корхона маҳсулотларига талаб кундан-кун ортиб бораяпти.

СУРАТДА: моҳир тикувчи-Ирода Фармонова иш устида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Шўрчи:

ОЛТИ ЙИЛДАН КЕЙИНГИ ОЛТИН МАРРА

Саратоннинг сел қиладиган дамлари эди. Қуёшнинг тиғига эътиборсиз, эгат ичра боладай куймаланаётган девқомат укамизнинг ҳаракати менга бироз эриш туюлдими, ҳазиллашгим келди:

— Алишербой, тилло топдингизми дейман?

У индамай ғўза орасида «Кулиб турган» пахтани кўрсатди. — Бу йилги ҳосилимиз чакки бўлмайдиганга ўхшайди.

— Ўзингиз томоша қилавермай, раисга оборсангиз суюнчи беради. Ё хушхабарнинг қаноти бор, дея газетга ёзайликми?

— Қўйинг, ака! Кўзпўз тегиб юрмасин. Аввал режани бажарайлик, кейин хирмон бошига чиқиб ҳар қанча ҳайқирсак арзийди.

Шўрчи туманидаги Алихон Сафаров номли ширкат хўжалигининг оилавий пудрат етакчиси Алишер Сафаровнинг орини келтирган бу ҳазил-ҳузул гапларга ҳам бир неча ой бўлди...

Сурхонда «ори келди» деган ибора юради. Бу воҳанинг камари бўлмиш шўрчиликларга ҳам ёт эмас. Курашда ғолиб бўлган полвон даврадан қандай бош кўтариб чиқса режани уддалаган деҳқон ҳам шундай сурурли қадам ташлайди. Фақат ва фақат пахтакорнинг давраси полвонникидай ҳар куни эмас, йилига бир марта айланади халос. Таассуфлар бўлсинким, шўрчиликлар ана шундай беллашувдан олти йил бош эгиб, даврларда мулзам бўлиб чиқишди.

Деҳқоннинг кўнгли оғринмасин экан, охир-оқибат оқсоқоллар тўюмаъракада ҳам, келинкуёвга тилак айта туриб ҳам пахта режасини бу йил фалон фоизга етказишини тиркаб қўйишадиган бўлишди...

Дарвоқе, яқинда Шўрчидан кетма-кет ҳайқириққа тўла хушхабарлар кела бошлади.

— Режани бажардик, — дейишди ободонликлар.

— Биз ҳам, — жўр бўлишди А.Сафаров, Охунбобоев номидаги, «Далварзин», «Толли», Хўжамиёров номли ва бошқа ширкат хўжалиги аъзолари.

Хуллас, Шўрчининг 25 минг тоннадан зиёд баланд хирмонига уларнинг ҳар бири ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшибди. Яъни, туманнинг гектар кўрсаткичи 31,1 центнердан ошиб кетибди. Шўрчининг олти йилдан кейинги бу олтин маррасидан туман ҳокимидан тортиб, мактаб боласигача қувонгани рост. Баландпарвоз кўринган бу гапларимизни бир четга қўйиб, уюлган хирмонни чўтга ташласангиз, деҳқоннинг даромади-ю, шўрчиликлар дастурхони тўкин, рўзғори бут бўлишига ўзингиз гувоҳ бўлаверасиз энди!

Юсуф ҲАМИДОВ.

БРЕМЕН ФЕДЕРАЛ ЕРИ ПАРЛАМЕНТИ ВАКИЛЛАРИ ТАШРИФИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Н. ЎЛЖАБОЕВ).

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Э.Мочманн раҳбарлигидаги Германия Федератив Республикаси Бремен федерал ери Сенати делегацияси 5 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида бўлди.

Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, мазкур агентлик раиси Э.Ғаниев билан суҳбатда савдо-иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шу куни меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Орипов билан учрашди.

Маълумки, 1998 йил ноябрь ойида "Ўзбекистон — Германия" дўстлик жамияти ташкил этилган эди. Агентлик раҳбари мазкур жамиятга раислик қилади. Мулоқот чоғида телекоммуникация соҳасида ҳамкорлик ҳамда "Ўзбекистон — Германия" дўстлик жамияти доирасида алоқаларни кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Германиялик меҳмонлар Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан ҳам учрашди.

Тошкент кимё-технология институтида "Кимё ва кимё технологияси" номли янги халқаро илмий-техник нашрга асос солинди. Йилда тўрт маротаба чиқиши

кўзда тутилган журналнинг илк сонида юртимиз олимлари билан бир қаторда Россия, Украина, Озарбойжон ва қозоғистонлик олимларнинг илмий мақолалари босилган. Мазкур халқаро нашрда ишлаб чиқариш ва техникага оид турли маълумотлар бериб борилади.

Шоира БОЙМУРОДОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

Избосканликлар муваффақияти

Андижон (ЎзА мухбири С.ШУКУРОВ).

Андижон вилояти Избоскан тумани пахтакорлари пахта тайёрлаш шартнома режасини бажарди. Қабул пунктларига 28635 тоннадан ортиқ "оқ олтин" топширилди.

Ҳар гектар майдондан ўртача 32,5 центнердан ҳосил олинди.

Туман деҳқонлари табиат инжиқликларини бир ёқадан бош чиқариб енгишди. Туманнинг 8000 гектардан ортиқ пахта далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Абдусамат Тиллабоев номидаги ширкат хўжалиги аъзолари вилоятда биринчи бўлиб шартнома топширигини бажарди. "Андижон", "Избоскан", "Урганжи", "Чунгбоғиш", Бобур номидаги, Ш.Юсупов номидаги ширкат хўжаликлари деҳқонлари фидокорона меҳнат қилди. Илғор ижарачилар қисқа муддатда ҳар гектардан мўл ҳосил олишга эришди. "Избоскан" ширкат хўжалигидаги Дониёр Асқаровнинг оилавий пудрати биринчи теримдаёқ гектаридан 32 центнердан пахта териб олди. Бугунги кунда ўртача ҳосилдорлик 50 центнердан ошиб кетди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов олдидан



Демократия мактаби

Маълумки, шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Олий Мажлис Кенгаши қарорига биноан мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказилади. Шу боис ҳам айни кунларда жамоатчилик эътиборида бир неча муҳим масалаларни ҳал этиш вазифаси турибди. Бўлажак сайловларни уюшқоқлик ва адолатли ўтказиш, бошқарув органларига муносиб раис (оқсоқол) ҳамда унинг маслаҳатчиларини сайлаш, йиғин раисларининг ўтган давр мобайнидаги фаолиятларини тўғри таҳлил этиб, холис баҳо бериш каби масалалар ана шулар жумласига киради.

Модомики, шундай экан, бўлажак сиёсий тадбирни ўтказиш қандай омилларга боғлиқ? Уни юксак даражада ташкил этиш учун нима қилиш керак? Ўтган ҳафта Олий Мажлисда бўлиб ўтган республика семинар-кенгашида ана шу саволларга ойдинлик киритилди.

Республикамизнинг вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари, парламент депутатлари, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида очиқ-ошкора руҳда бўлиб ўтган семинар-кенгашда кўпдан-кўп таклиф, мулоҳаза ва муаммолар ўртага ташланди. Бўлажак сайловнинг ҳуқуқий асослари ҳақида гапирилди. Қуйида анжуманда сўзга чиққан нотиқларнинг бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ фикрлари билан танишасиз.

— Бўлажак сайлов кампанияси мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш ва ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишда улкан аҳамиятга молик муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир ҳисобланади, — деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин ХАЛИЛОВ. — Унинг муҳимлиги, аввало, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳалқ ва давлат ҳаётидаги алоҳида аҳамияти, ўтказилаётган кенг миқёсли ислоҳотларда уларнинг ролини ошириш зарурлиги билан белгиланади. Қадим-қадимдан маҳалла жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий анъаналар ва одатларни асраш, турмушдаги кўпгина долзарб масалаларни ҳал этиш маркази бўлиб келган.

Маҳалла тарихий жиҳатдан ва замонавий маънода бир жойда яшайдиган ҳамда умумий эҳтиёжлари билан ўзаро боғлиқ одамларнинг ижтимоий, маданий ва маънавий муштараклиги асосида таркиб топган жамоадир. Айнан маҳаллада аксар ҳолларда сиёсат ва иқтисодиётнинг, давлат ҳаёти ва маданий турмушнинг долзарб масалаларига доир умумий фикр шаклланади, одамларнинг жамиятдаги ҳулқ-атвори қоидалари белгиланади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий турмушдаги роли ва аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан бир неча бор таъкидланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган, жорий йил «Обод маҳалла йили», деб эълон қилинган тантанали йиғилишда давлатимиз бошлиғи, хусусан, шундай деган эдилар:

«... Маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қуйи бошқариш тизими сифатида нечоғли кучайтирсак, бунинг учун барча моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб берсак, ўйлайманки, бу ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади.

Барчангиз яхши биласиз, «Отанг – маҳалла, онанг – маҳалла» деган ҳикматда жуда катта маъно бор».

Ўзбекистонни XXI аср бошларида ривожлантиришнинг мамлакатимиз Президенти томонидан олға сурилган стратегик дастури амалга оширилгани сайин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли тўхтовсиз ошиб боради. Дастур ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган очиқ демократик давлатни барпо этиш, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг муҳим шарт-шароитлари сифатида жамиятимиз ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларини янада эркинлаштиришга, қонунларнинг устунлигини, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлашга қаратилгандир. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ана шу дастурига мувофиқ мамлакатимизда давлатнинг бир қатор вазифаларини нодавлат тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа боришга киришилди.

Мамлакатимиз раҳбарияти ижтимоий ўзгартиришларнинг ана шундай моделини танлашда ҳар қандай жамиятнинг демократик моҳияти, аввало, аҳоли кенг қатламларининг давлатни бошқаришдаги иштироки масаласи қанчалик ҳал этилганлиги билан белгиланишига асосланди. Тараққий этган мамлакатларда фуқароларнинг ўзлари ижтимоий-сиёсий ҳаётда қўнгилли равишда ва профессионал асосда фаол иштирок этишлари бежиз эмас, албатта.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва аҳамиятинигина эмас, балки уларнинг олдида турган асосий вазифаларни ҳам чуқур мушоҳада ва идрок этишни талаб қилади. Бу вазифаларнинг аксарияти давлатимиз бошлиғининг қатор дастурий маърузалари ва фундаментал асарларида таърифлаб берилган, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги амалдаги Қонунда белгилаб қўйилган. Яқинлашиб келаётган сайлов кампаниясини ҳисобга олиб, бу вазифаларни муайян тизимга солган ҳолда қараб чиқиш, ижтимоий ҳаётнинг ана шу ғоят муҳим соҳасидаги ишларнинг устувор йўналишларини аниқлаштириб олиш жоиз кўринади.

(Давоми 2-бетда).

Минтақавий ҳамкорлик:

ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилганимиздек, шу йилнинг 11-12 ноябрь кунлари пойтахтимизда Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўйича вазирлар даражасида конференция бўлиб ўтади. Уни Осиё тараққиёт банки ташкил этмоқда. Конференциянинг аҳамияти шундаки, у минтақа мамлакатлари ҳамкорлигининг кенгайишига, улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг чуқурлашувига ва охир-оқибатда, минтақадаги ҳар бир давлатнинг ривожланишига туртки бўлади.

Ҳозир тадбирга тайёргарлик ишлари тугай деб қолди. "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида турли тиллардаги сўзлар янграйдиган, майин куз шамолида кўплаб давлатлар байроқлари ҳилпирайдиган, халқаро молия ташкилотларининг эътибори яна Ўзбекистон пойтахтига қаратиладиган кун яқин.

Воқеа арафасида ОТБнинг мамлакатимиздаги доимий ваколатхонаси директори жаноб Шон М. О'САЛЛИВАН газетамиз учун интервью беришга бажонидил рози бўлди. Суҳбатда асосан бўлиб ўтадиган конференция, шунингдек, бу обрўли молиявий ташкилотнинг мамлакатимиздаги фаолияти ҳақида сўз борди.

Воқеа арафасида

—Аввало, бўлажак конференциянинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқчиман. Уни банкнинг умумий стратегиясидан ажратиб бўлмайди. Минтақа давлатларида иқтисодиётни тараққий эттириш, бу мамлакатлар аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида айнан Осиё тараққиёт банки 1997 йили Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастурига асос солганди. Бу ташаббус минтақавий институционал тузилмани қўллаб-қувватлайди. Тузилма лойиҳаларни тайёрлаш, тадқиқ қилиш ҳамда минтақавий ишчи гуруҳларини қўллаб-қувватлашни, минтақавий лойиҳалар учун молиявий кредитлар дастурини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Ва ҳаракатларнинг "гултожи" бўлган сўнгги – вазирлар даражасидаги ҳар йилги конференция минтақавий ҳамкорлик йўлида эришилган ютуқларни кўриб чиқади.

Маълумки, шунга ўхшаш биринчи конференция ўтган йилнинг март ойида Манилада бўлиб ўтган эди. Унда энергетика, транспорт ва савдони рағбатлантириш минтақавий, ҳамкорликнинг устивор йўналиши деб белгиланганди. Тошкентда ўтадиган навбатдаги конференцияда бир йиллик қилинган ишларга якун ясалади.

Таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон ҳам жуғрофий, ҳам бошқа томондан бу ҳамкорликнинг марказида туриб, доимо минтақавий ўзаро манфаатли алоқаларга хайрихоҳ бўлиб

Давоми 3-бетда).

ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида ана шу энг устувор вазифаларни яна бир бор белгилаб берган эдилар. Ушанда эҳтиёжмандларга амалий ижтимоий ёрдамни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали кўрсатиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб бундай деган эдилар: «Шу борада, ҳеч шубҳасиз маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмакмададга муҳтож бўлган инсонларни ёлғиз қолдирмасдан, уларнинг бошини силаб, бу одамларни ҳимоялаш учун, керак бўлса, давлат идоралари, мансабдорларнинг тинчини бузиб, тегишли ёрдам ва маблағни ундириб олиб, бугун қилаётган ишларининг самарасини янада кучайтирса, яъни маҳалла том маънода ота-оналик вазифасини ўтайдиган даражага етиб борса, биз кўп нарсага эришган, аҳолимизнинг розилигини олган бўламиз».

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришилганидан кейингина халқимизда кўп асрлик маънавий-ахлоқий қадриятларни тиклаш, миллий маданият сарчашмаларидан эмин-эркин баҳраманд бўлиш, бой тарихий меросимиздаги жамики яхши нарсаларни ўрганиш ва кўпайтириш имконияти пайдо бўлди. Шарқ маданияти ютуқларини, аждодларимизнинг маданий ва маънавий меросини чуқур ва атрофлича идрок этиш ўзлигимизни яхшироқ англашга, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ёрдам бермоқда. Ўзбек халқининг энг яхши анъаналари ва одатларини тиклаш, миллий онгини шакллантириш, фуқароларнинг маънавиятини юксалтириш юзасидан энг аввало маҳаллаларда изчил иш олиб борилиши керак.

Шу билан бир қаторда маҳаллаларда тўйлар, оилавий маросим ва тадбирларни ўтказишнинг дабдабабозликка асосланган салбий жиҳатларини таг-томири билан йўқотишга қаратилган ишлар мунтазам олиб борилмоғи зарур. Ўз вақтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони чиқарилганлигига қарамай, жойларда ҳамон бизнинг асл миллий қадриятларимизга зид тарзда тўй ва маросимларни базми жамшидларга айлантириб юбориш,ортиқча дабдабабозлик ва исрофгарчиликларга йўл қўйиш ҳоллари давом этмоқда. Бу ишда баъзи жойларда илдиз ота бошлаган ва ҳақли равишда аҳолининг ҳайрат-таажжубига, кўпинча эса, нафратига сабаб бўлаётган ким ўзарлик, манманлик, ўзини кўз-кўз қилиш ҳолларига барҳам бериш фурсати келди. Тўй-тантана ва бошқа тадбирларни камтарона ўтказиш бу инсоннинг юксак ахлоқийлиги, маънавияти ва маданиятидан дарак беради. Бу фикрни ҳамма жойда ва ҳамиша одамлар онгига сингдириб боришимиз керак. Ва бу ишга баобрў маҳалладошларни, уруш ва меҳнат фахрийларини, жамоат ташкилотларининг фаолларини жалб этиш зарур.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлмоғи лозим. Биз энг муҳим принципи қонун устунлиги бўлган ҳуқуқий фуқаролик жамияти барпо этмоқдамиз.Шу сабабли барча давлат ва жамоат тузилмалари ялпи ҳуқуқий саводхонлик ҳаракатини ташкил этиш, мамлакатимиз қонунларини аҳолининг онги ва шуурига етказиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратиши зарур.

Шуни эслатиб ўтишни истардикки, шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг энг муҳим ваколатларидан бири қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдир. Афсуски, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда қайд этилган ана шу норма амалда ишламаяпти ҳисоб.

Биз бу йўналишдаги ишларни жонлантиришимиз, амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг таъсирчан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишимиз даркор. Буни, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирадиган масалалар юзасидан шаҳар, туман,вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш йўли билан амалга ошириш яхши самара беради. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, фуқароларни ишга жойлаштириш,янги иш жойларини яратиш, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масалалари, шунингдек бошқа долзарб масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудуддаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориш йўли орқали жамоатчилик назоратини амалга ошириш шаклидан ҳам дадилроқ фойдаланиш керак.

Шуни ҳамиша ёдда тутиш зарурки, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг бутун кўп қиррали фаолияти марказида инсон, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари туриши лозим. Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар шунчаки тадбир эмас, улар энг аввало халқнинг турмушини яхшилашга қаратилган мақсаддир. Ҳаётимиздаги барча ўзгартиришлар ягона олий мақсадни — ҳар бир инсоннинг турмушини яхшироқ, муносиброқ, маънавий жиҳатдан бойроқ қилиш мақсадини кўзлайди. Биз ҳар ким ўзлигини тўла намоён этиши учун, ўз олдига қўйган мақсадларга эришиши учун тенг имкониятларни ишончли тарзда кафолатлайдиган давлат ҳуқуқий тизимини яратиш йўлида барча ишни қилишимиз шарт. Мамлакатимизнинг ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир фуқароси ўз оиласини муносиб равишда таъминлаш, маълумот олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак. Ҳар бир кишининг жамиятдаги мавқеи аввало унинг ниятродасига ва меҳнат қилиш қобилиятига кўра белгиланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов чинакам демократик, эркин бўлиши ҳамда ҳар бир фуқаро бу муҳим сиёсий тадбирда онгли равишда иштирок этиши учун сайловни ўтказиш тартиби ҳақида, амалдаги қонун ҳужжатлари хусусида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятни демократиялаштиришдаги ўрни тўғрисида жойларда кенг тушунтириш ишлари олиб борилиши зарур. Барча даражадаги депутатлар, ҳокимликларнинг масъул ходимлари одамлар билан тез-тез учрашиб туришлари, гузарлар, чойхоналар ҳамда бошқа жамоат жойларида мубоҳаса ва давра суҳбатлари ўтказишлари, шунингдек маҳаллий оммавий ахборот воситаларида бўлажак сайлов компаниясининг долзарб масалаларини тушунтирувчи материаллар эълон қилиб туришлари ҳозир ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир.

Сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида Президентимиз И. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон раҳбариятининг жамиятни чуқур ислоҳ қилишга, халқ турмушини яхшилашга, келажаги буюк, гуллаб-яшнаган давлат барпо этишга қаратилган сиёсати моҳиятини аҳолининг кенг қатламлари онги ва шуурига етказиш зарур. Ўзбекистон Республикасининг бутун давлат тизими, ҳокимиятнинг барча тармоқ ва бўғинлари халққа хизмат қилиши даркорлигини барча фуқароларга аниқ мисолларда тушунтириб бериш лозим. Конституциямизда айтилганидек, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва уни мафкуравий жиҳатдан таъминлаш давлат органларидан ташқари жамоат бирлашмаларининг ҳам ғоят муҳим вазифасидир. Сайлов кампаниясида иштирок этиши мутлақо аён бўлган «Маҳалла» республика хайрия жамғармасидангина эмас, балки «Камолот», «Маънавият ва маърифат», «Нуроний» ва бошқа нодавлат ташкилотлардан ҳам бу борада ишни фаоллаштириш ва жонлантиришни кутмоқдамиз. Улар туман ва шаҳар аҳли ўртасида қатор йиллардан бери иш олиб бормоқдалар. Минтақавий сайловни муваффақиятли ўтказишдаги ҳиссаси ҳам улкан бўлиши мумкин. Аҳолининг кенг қатламлари ўртасида иш олиб бориш маҳоратини амалда кўрсатиш, ўзига нисбатан одамларнинг муносабатини синовдан ўтказиш фурсати келди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов чоғида сиёсий партиялар, айтиш мумкинки, омма ўртасидаги ўз таъсир доирасини анчагина мустаҳкамлаб олиш имкониятига эга бўладилар. Таассуфки, сиёсий партиялар асосан, парламент сайлови давридагина ўзини кўрсатишга ҳаракат қилади. Очиғини айтганда, бу ўринда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги, парламентга ўз вакилларини киритиш йўли билан ҳокимият учун сиёсий кураш олиб бориштаги ролига етарлича баҳо бермаслик қусури кўзга ташланиб келмоқда...



Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини кучайтириш билан биз мустақил Ўзбекистонимиздаги халқ ҳокимиятчилиги ва демократия принципларига асосланган давлат ҳокимиятининг бутун тизимини мустаҳкамлаган бўламиз. Ўйлаймизки, парламентга ўтказиладиган 2004 йилги сайловда ғалаба қозонишни ўйлаётган партия маҳаллаларда мунтазам иш олиб бориши, айнан ўша ерда ўз обрў-эътибори ва мустаҳкам мавқеига эга бўлиши лозим. Партия шундагина ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларида кўпроқ депутатларга эга бўлади, бинобарин бўлажак Сенатга ўз тарафдорларини кўпроқ ўтказиш имкониятини қўлга киритади. Қолаверса, бошланаётган шу сайлов компанияси мобайнида партиялар ўз дастурини тарғиб қилиш, сафларини янги аъзолар билан тўлдириш, навбатдаги парламент сайловлари сайловчиларнинг кўпроқ овозини олиш йўлида катта ишлар қилишлари мумкин.

Шу ўринда маҳаллий ўз ўзини бошқариш органлари фаолиятига мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат вакилларини жалб этишнинг зарурлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Мамлакатимиз, маълумки, Ўзбекистонда яшовчи барча кишиларнинг муштарак ватани ҳисобланади. Уларнинг барчаси маҳалла билан узвий боғлиқ ҳолда кўп йиллар давомида ушбу ноёб ижтимоий маконда ёнма-ён яшаб, ўз қўшнилари билан қувонч ва ташвишларини баҳам кўриб келмоқда. Шунинг учун ҳам сайлов имкони борича турли миллат вакилларининг кенг иштирокида ўтказилиши муҳимдир. Кўп миллатли ва кўп конфессияли давлатда яшаётганлигимизни инобатга олиб сайлов ташкилотчиларига бўлажак компанияга тайёргарликни миллий маданият марказлари билан узвий алоқада олиб боришни, жойларда мафкуравий ва тушунтириш ишларини улар билан биргаликда ўтказишни маслаҳат берган бўлур эдик. Агар шаҳарча, қишлоқ ва овулда, маҳаллада асосан, бир миллатга мансуб кишилар яшасалар, буни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига номзодлар кўрсатишда албатта, ҳисобга олиш зарур. Бугунги мулоқотимиз Республика Байналмилал маданият марказида манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида семинар ёки давра суҳбати тарзида давом эттирилади, деган истак ҳам йўқ эмас.

МИЛЛАТНИНГ МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОНИ

Дилбар ҒУЛОМОВА, Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Маҳалла — миллатнинг мустаҳкам қўрғони бўлиб, тинчлиги, осойишталиги, ёш авлоднинг маънан ва руҳан баркамол, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишларига қўшаётган ҳиссаси беқиёсдир. Халқимиз азал-азалдан иймон-эътиқод ва эртанги кунга ишонч билан қараб, яхшилик сари интилиб яшайди. Маҳалла эса тарихдан тарбия масканн ҳисобланиб келади. Отаонанинг азиз ва муқаддас эканлиги, кичикларнинг катталар олдида ҳамиша одоб сақлашлари, ҳар қандай шароитда ҳам ҳурмат ва эътиборнинг сақланиб қолиниши оиладаги, қолаверса маҳалладаги тарбиядан бошланган. Шунинг учун ҳам бўлажак сайловларда билимли, зиёли, халқ ўртасида катта обрўга эга бўлган ва албатта адолатпарвар номзодларни танлаш лозим.

Биз демократия ва юксак тараққиёт томон одимлар эканмиз, бу йўлдаги қадамларимиз дадил, залворли, айни пайтда ишончли эканининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Маълумки, чинакам демократик давлатда шахс эркинлиги устувор, унинг ҳуқуқлари қонунлар орқали ҳимояланади. Шу боисдан ҳам юртимизда демократик анъаналарни қарор топтиришга эътибор қаратилиб, унинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий заминлари яратилаётир.

Конституция қабул қилинганидан кейинги ўтган давр ичида юртимизда юзлаб янги қонунлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди. Шулардан бири «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонундир. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари эндиликда ушбу рур ҳужжатга асосланган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига дахлдор моддалар Ўзбекистон Конституциясининг ҳам алоҳида бўлимига киритилган. Агар масалага кенгроқ ёндошадиган бўлсак, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш ҳаёти ва фаолиятига оид мод-данинг Ўзбекистон Конституциясига киритилишининг ўзиёқ маҳаллага катта ишонч ва эътибор қаратилаётганининг исботидир. Бу бой анъаналаримизни, ўзига хос урф-одатларимизни ва ҳавас қилгулик ўзбекона фазилатларимизни маҳалла фаолияти асосида тиклаш ҳамда равнақ топтириш имкониятини яратади.

Шу ўринда мен маҳалла фуқаролар йиғинларининг бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда оилаларнинг мустаҳкамлиги, барқарорлигини таъминлашдаги, ёшлар тарбиясидаги, ёлғиз кексалар, ногиронлар, кўп болали оилалар, боқувчисиз қолган аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишдаги самарали хизматларини алоҳида кўрсатиб ўтмоқчиман. Айнан, уларнинг беминнат хизматлари, оилалар ўртасида олиб бораётган маънавий-маърифий йўналишдаги саъй-ҳаракатлари туфайли республикамизда бу ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Лекин, кўп ҳолларда юқорида айтиб ўтилган соҳаларда муаммолар мавжудлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Жумладан, жойлардаги кўп болали, кам таъминланган ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш ишлари барча маҳаллаларда ҳам талабга жавоб беради, деб айта олмаймиз. Ижтимоий муҳофаза тизими орқали берилаётган ёрдам, энг аввало, аниқ ва манзилли бўлиши керак ҳамда адолат, ошкоралик тамойилларига қатъий риоя этган ҳолда берилиши керак.

Шу билан бирга, маҳаллаларда ёшлар, айниқса қизлар, ёш оилалар ўртасида олиб борилаётган ишларда ҳам камчиликларимиз мавжуд. Ёшларда билимга, илмга қизиқишни уйғотиш, уларда боқимандалик кайфиятларини бартараф этиш, кейинги пайтларда учраб турган турли салбий оқимлардан ёшларни ҳимоя қилиш — бу маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятидаги асосий устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим.

Бу ўринда республикамизда ташкил топган ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракатига ва маҳалла фуқаролар йиғинида тузилаётган хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш комиссияларига жуда катта умид боғланади. Шунингдек, давлат ҳокимияти органлари ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг уларга юклатилган вазифаларига аниқлик киритиш ва ҳокимликнинг айрим ваколатларини маҳаллага босқичма-босқич топширилиши бугунги кун талабидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини кенгайтириш борасида Президентимизнинг ушбу масалага алоқадор бўлган Фармонлари, ҳукумат қарорларида белгилаб берилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш мана шу сайловларда сайланадиган бизнинг янги оқсоқоллар, фуқаролар йиғини раисларига ҳам юклатилиши даркор. Улар бугун ўтказилаётган семинаримизни қандайдир бир туртки сифатида қабул қилиб, бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор беришлари лозим. Бу бизнинг зиммамиздаги жуда ҳам катта вазифани ҳал этишга ёрдам беради.

Тўғри, бугун маҳаллаларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун тижорат банкларининг кредит линиялари орқали 32540,2 млн. сўмлик кредит ажратилди. Шунингдек, иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан 7276 та иш ўринлари яратиш учун 7194 млн. сўм, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 2176 та кам таъминланган оилага 1.545 млн. сўм маблағ ажратилди. 5496 та маҳалла ҳудудида кичик бизнес соҳасида жами 193032 та янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, кичик корхоналар ташкил этиш ҳисобига 54352 та, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига 26010 та, оилавий бизнесни ва касаначилик меҳнатини ташкил этиш ҳисобига 5597 та янги иш ўринлари яратилди. Шунга қарамай, ҳали ҳам хотин-қизлар ва ёшлар бандлиги масаласида амалга ошириш керак бўлган ишлар талайгина. Олдимизда ҳали улкан мақсадлар ва муаммолар бор экан, бугунги семинар-кенгаш қатнашчилари ушбу мақсадлар, орзу-ниятларини амалга оширишга, бугунги қўйилган вазифаларни адо этишга юксак масъулият билан ёндашадилар, деб ишонч билдираман.

Кучли давлатдан — кучли жамият сари

• Ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов жамиятимизни янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, ҳуқуқий фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришнинг муҳим босқичидир.

• Номзодларга овоз беришда эл-юрт, Ватан манфаатлари учун фидоий бўлган ҳамюртларимизни танлашга эришайлик.

• Ушбу сиёсий тадбир маҳаллаларимиз, демак, она диёримиз янада обод бўлиши учун хизмат қилсин!

ЖАҲОНДА ЯГОНА ҚОНУН

Акмал САЙДОВ, Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси:

— Очиғи, Ўзбекистонни маҳалласиз тасаввур этиб бўлмайди. Маҳаллалар, ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асоси саналади. Бундай жамиятни шакллантириш билан боғлиқ саъй-ҳаракатларимизда ушбу тизимнинг ўрни ва нуфузи тобора ортиб бораверади. Айниқса, мамлакатимиз раҳбарининг «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган ғоясини рўёбга чиқаришда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли бениҳоя каттадир.

Мустақиллик шарофати ўлароқ, маҳалла ўзининг реал ҳуқуқий мақомини олди. Эндиликда миллий давлатчилигимиз тарихида биринчи маротаба маҳалла конституциявий институт мақомига ҳам эга бўлди. Бу меъёр Конституциямизнинг 105-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди. Кейинчалик ушбу конституциявий қоидалар янада ривожлантирилди. 1993 йил 2 сентябрда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон қонунчилиги тарихида ҳам янгилик бўлди. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми, жумладан, уларнинг вазифаси, ваколатлари, фуқаролар йиғини ва раисининг ваколатлари, уларнинг давлат ҳокимияти органлари билан муносабат асослари белгилаб берилди. Ушбу қонун юртимиз маҳаллаларининг тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Маҳалла ҳақида 1995 йил 21 декабрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ҳам алоҳида модда киритилди. Бундан ташқари, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунларда ҳам ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақидаги қоидалар мавжуд.

Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва миллий тараққиёт талабларидан келиб чиқиб, ушбу қонун ҳужжатлари мунтазам равишда такомиллаштирб бориляпти. Хусусан, 1999 йил 14 апрелда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири тасдиқланди. Маҳалла нуфузини кўтариш, фуқаролик жамиятининг устувор асоси бўлган ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш нафақат ижтимоий, балки сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий масала экани боис, ушбу тизим ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш Президентимиз ва мамлакат парламентининг доимий эътиборида. Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган 12-сессиясида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги қарийб 10 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани бу фикримизга далил бўла олади.

Айтиш жоизки, фуқароларнинг ўзи ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий асосини мукаммаллаштиришга қаратилган ана шу янгиликларнинг барчаси йил бошида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Обод маҳалла йили» дастурида кўзда тутилган. Айни чоғда фуқаролар йиғини, шунингдек тафтиш ва маъмурий комиссиялар тўғрисидаги низомлар ишлаб чиқилмоқда. Ўтган даврда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий асосини шакллантириш ва такомиллаштириш мақсадида Президентимизнинг 10 та Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 8 та қарори, 11 та намунавий низом, бир қатор дастурлар, йўриқномалар ва услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилгани ҳамда амалда татбиқ этилаётганини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз. Ўйлаймизки, шунда бу борадаги ишларимиз нечоғли кенг кўлам касб этгани янада яққолроқ намоён бўлади.

Бугунги кундаги долзарб масала — маҳалла оқсоқоллари сайловларини ўтказишнинг қандай ҳуқуқий асослари бор?

Аввало, Конституциянинг 105-моддаси ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддаси бу борада асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролар йиғинларининг ваколат муддати белгиланган бўлиб, у 2,5 йилдир. Бундан ташқари, сайловни ташкилий жиҳатдан юқори даражада ўтказиш учун Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида Низом ҳамда Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва жойларга тарқатилди.

Хулоса ўрнида «Обод маҳалла йили»нинг авж нуқтасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтадиган сайловлар мамлакатимиз ҳаётидаги ниҳоятда катта сиёсий воқеа эканини таъкидлашни истардик. Зеро, амалиётда энг кенг кўламли ҳисобланган бу сайловлар бутун Ўзбекистон аҳолисининг бугуни ва эртанги куни билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади ҳамда истиқболни белгилаб беради. Ишончимиз комилки, бўлажак сайловлар мамлакатмизда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш сари қўйилган муҳим қадам бўлади.

МАҲАЛЛА — НОЁБ ТУШУНЧА

Ўткир ҲОШИМОВ, Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси:

— Маҳалла дегани айрим чет эллик «билимдон»лар тасаввур қилганидек, «аллақандай ибтидоий жамоа эмас». У асрлар даомида шаклланган, аниқ мақсадга йўналтирилган, ҳар бир механизми такомилга етган жиддий ва ўта муҳим институтдир. Маҳалла қисмати мамлакат қисмати билан чамбарчас боғланиб кетган. Маҳалла обод бўлса, юрт обод. Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади.

Афсуски, чет элдаги баъзи ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари томонидан маҳаллани чуқур тушуниб етмагани, айрим удумларимиз уларга азбаройи бегона туюлгани учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақида бирёқлама, ноҳолис чиқишлар қилиш ҳолатлари бор. Албатта, бизнинг оммавий ахборот воситалари ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мунтазам ёритиб бораяпти. Газета, журналлар, телевидение ва радиода бу мавзуга оид рукнлар бор. Бироқ, уларда таъсирчанлик етарли эмас. Биз ўзини ўзи бошқариш идораларинг нақадар ноёб тушунча эканлигини, уларнинг ўзигагина хос хусусиятлари борлиги, ечимини кутаётган муаммолар бўлиб, бу ташкилотлар фаолияти бутун мамлакат қисматига таъсир қилишини теран ва атрофлича кўрсатувчи чиқишлар қилишимиз лозим. Яқинда Парламентнинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Матбуот ва ахборот қўмитаси мамлакатдаги етакчи давлат ва нодавлат нашрлари, телерадио вакиллари иштирокида бу ҳақида кенгашиб олдик.

Очиғини айтганда, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида камчиликлар йўқ эмас. Кам таъминланган оилаларга мўлжалланган ёрдамни айнан ўз эгасига бермаётган маҳаллалар ҳам бор, маҳалла оқсоқолига «юқоридан» қараб муомала қиладиган ҳокимлик ва идоралар ҳам йўқ эмас... Лекин яхлит олганда маҳаллалар, қишлоқ фуқароҳар йиғинлари узоқ тарихга эга бўлган, ҳамиша яшаб келган ва бундан кейин ҳам яшайдиган тирик организм эканини ҳеч ким инкор эта олмайди.

ГАП ФАҚАТ САЙЛОВДА ЭМАС

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, республика «Маҳалла» жамғармаси раиси:

— Очиғи, «Обод маҳалла йили»да Олий Мажлис Кенгаши қарори билан мамлакатимиз Конституцияси ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга биноан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига навбатдаги сайловларни ўтказиш, маҳалла ҳаётида катта сиёсий воқеа бўлиши, шубҳасиз. Маҳалла жамоатчилиги ҳаётидаги ана шу улкан ва кенг миқёсдаги сиёсий тадбирнинг амалга оширилишида «Маҳалла» жамғармасининг республика бошқаруви, унинг жойлардаги барча бўлим ва бўлинмалари Олий Мажлис Кенгаши мазкур қарорининг бажарилиши юзасидан қатор тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда. Аммо, мақсад фақат сайлов эмас. Қолаверса, ушбу анжуманда ҳам фуқаролар йиғинларида навбатдаги сайловларни ўтказишдан мақсад фақат оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлашдангина иборат эмаслиги ҳам қайд этилди. Бу жуда тўғри. Негаки, ўтган йиллар ичида жамиятни бошқаришнинг шарқона ва миллий қадриятлар билан уйғунлашган демократик институт — ўзини ўзи бошқариш органларининг ўтган даврдаги фаолиятига баҳо бериш, ишни янада такомиллаштиришнинг истиқбол режаларини белгилаб олиш ҳам ўта муҳим масаладир.

Шу маънода «Маҳалла» жамғармаси махсус гуруҳининг асосий вазифаларидан бири, бу — маҳалла раисининг ўтган икки ярим йил давомида амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботини тайёрлаш ва навбатдаги муҳим масалаларнинг нималардан иборат эканлигини очиқ ва ойдин кўрсатишга услубий ёрдам беришдан иборатдир. Хусусан, ҳисобот фақатгина амалга оширилган ишларни таъкидлашдан иборат бўлмай, уни амалга ошириш жараёнларини таҳлил қилиш, юртимизда, айниқса, маҳаллалар ҳаётида амалга оширилган ислоҳотларга холис баҳо бериш, ўтказилган тадбирлар натижасида жамоатчилик онгида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлганлиги, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтмоқ лозим бўлади. Яширишнинг ҳожати йўқ, ўтган сайловлардаги кўрсаткичларда аксарият маҳаллаларда молиявий, хўжалик ишлари бўйича олиб борилган ишларга юзаки эътибор берилганлиги маълум бўлди. Бу ҳол қайтарилмаслиги лозим. Бу борада тафтиш комиссиялари масалага жиддий ёндошишлари шарт.

Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, шу куннинг яна бир муҳим вазифаларидан бири — ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ижроия органлари билан ўзаро муносабат механизмларини яратиш ва уни амалиётга янада тўлароқ жорий этишдан иборат, деб биламан. Тўғри, мен бу билан айни механизм ишламаяпти демоқчи эмасман. Лекин баъзи ҳолларда айрим раҳбарларнинг ноқонуний ҳаттиҳаракатлари сабаб ўзибўларчилик, тўрачилик каби иллатларига дуч келаётганимиз сир эмас. Қаранг, мамлакатимизда ўтказилаётган умумхалқ ҳашаридан «Маҳалла» жамғармаси ҳисоб-рақамига пул маблағлар тушмоқда. Лекин жамғарма айни маблағ орқали ўз низомий вазифаларини бажаришига келганда, айрим ҳокимликдаги тўралар бунга йўл бермаяпти. Бундай ҳолатлар асосан, баъзи вилоят ҳокимларининг иқтисод масалалари бўйича ўринбосарларининг тегишли банкларга оғзаки берган кўрсатмалари орқали бўлмоқда. Энди, ўзингиз ўйланг, бу ҳол билан муроса қилиб бўладими? Асло. Айтмоқчиманки, тараққиёт, энг аввало, ҳар бир соҳа вакилининг ўз соҳасининг яхши-ёмон томонларини, ислоҳотлар ким ва нима учун ўтказилаётганлигини англашига боғлиқ.

Энди бўлажак сайлов хусусида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви айни тадбирга пухта ҳозирлик кўрди. Бошқарув ҳузурида Ахборот маркази ташкил қилинди. Маҳаллалардаги ишчи гуруҳлар намунавий ҳужжатлар билан таъмунланмоқда. Бир сўз билан айттанда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий-ҳуқуқий, амалий, услубий, қолаверса молиявий-хўжалик ишлари «Маҳалла» жамғармасининг диққат эътиборида бўлади.

Ўйлаймизки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимида ўтказилаётган сайловлар биз қураётган фуқаролик жамиятининг асосларини мустаҳкамлашда яна бир катта қадам бўлади.

Дарҳақиқат, шундай. Икки ой ичида мамлакатимизнинг шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулларида фуқаролар йиғинларининг қарийб 10 минг нафар раиси (оқсоқоли) ва уларнинг минг-минглаб маслаҳатчилари сайланар экан, бу сиёсий тадбирни маҳаллам, Ватаним дейдиган, қолаверса, ўзига нисбатан одамларнинг муносабатини синовдан ўтказишни истаган ҳар бир кишининг асосий вазифаси бўлмоғи лозим. Зеро, маҳалла биз яшайдиган Ватаннинг бир бўлагидир. Ана шу жойда осойишталик ва фаровонлик бўлиши эса биз танлаётган номзодга, сайлаётган оқсоқолга боғлиқ. Бўлиб ўтган семинар кенгашида бу ҳақда кўндан-кўп фикрлар билдирилди.Унда ҳеч нарса яширилмади, муаммо ва камчиликлар ҳам рўй-рост айтилди, Ҳатто залда ва танаффуслар пайтида маҳаллалардаги иш тажрибаси юзасидан жонли фикр алмашинувлар ҳам фойдадан холи бўлмади. Энг муҳими, тадбир қатнашчилари билмаган ва эшитмаган нарсаларини ўрганишди. Шу гапларга амал қилсак, сайлов муваффақиятли ўтади, деган якдил фикрга келишди. Семинар-кенгаш ўтказишдан мақсад ҳам шу эди.

Саҳифани «Халқ сўзи» мухбири Фурқат САНАЕВ тайёрлади.

Минтақавий ҳамкорлик:

ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

келмоқда. Шунинг учун ҳам, Марказий Осиёда биринчи вазирлар даражасидаги конференциянинг айнан Тошкентда ўтиши мантиқийдир.

—Шу ўринда мавзудан бироз четга чиқсак-да, ОТБнинг Ўзбекистондаги фаолияти ва албатта, келгуси фаолияти ҳақида гапириб берсангиз?

—Ўзбекистон 1995 йилда ОТБга аъзо бўлди. Банк 1996 йилдан буён мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мазкур молиявий муассаса амалдаги ва келажаги бор илғор соҳаларга эътибор қаратиш мақсадида тайёр лойиҳаларни ҳамда стратегик кўзда тутилган лойиҳаларни ҳам сармоялашни ҳамоҳанг олиб боради. Банк кредитлари таълим, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини молиялаш ва сув ресурсларини бошқариш, корпоратив бошқарув ва молия, корхоналарни қайта тиклаш, энергетика ва транспорт соҳаларига йўналтирилган. Ўтиш даври ижтимоий оқибатларини енгиллаштиришга катта эътибор қараттан ҳолда, сармоялаш, шунингдек, ўрта ва кичик корхоналарни ривожлантиришга, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга ва соғлиғини муҳофаза қилишга ҳам йўналтирилган.

Ҳамкорликнинг бошида ОТБ Ўзбекистонга 695,5 миллион АҚШ доллари ажратди. Унинг 675,5 миллиони одатдаги капитал ресурслардан, 20 миллиони Осиё тараққиёт фондининг имтиёзи асосида. Банк шу вақт ичида 42 та техник ҳамкорлик лойиҳаларга 24 миллион АҚШ доллари миқдорида грант ажратди.

Шуни таъкидлашим керакки, банк кейинги уч йилда Ўзбекистон учун ҳар йили 100-150 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишни режалаштирган. Бу директорлар кенгаши томонидан шу йилнинг октябрь ойида тасдиқланди. У 2004-2006 йилларга мамлакат бўйича мўлжалланган янгиланган стратегия ва дастурга мос келади. Заём дастури иқтисодни рағбатлантириш ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, одамларни ишга жалб этишни рағбатлантириш, соғлиқни сақлаш ва таълим, бошқарув ва тадбиркорлик соҳаларидаги ислоҳотларга йўналтирилади.

Мен бу ўринда аниқ бир лойиҳа ҳақида гапирмоқчи эмасман, лекин улардан учтаси минтақаларо ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган инфратузилмавий лойиҳадир. Шуни таъкидлаш керакки, заёмлар лойиҳаларни тайёрлаш ва уларнинг имкониятларини оширишни ўз ичига қамраб олган техникавий қўллаб-қувватлаш дастури билан бойитилган бўлади. У маблағ нуқтаи назаридан олганда, 2004 йилда 1,9 миллион долларни ташкил этади ва иложи борича қўшма молиялаш имкониятлари билан қўллаб-қувватланади. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг муҳим омиллари бўйича янги хулосалар қилингач ва ОТБ фаолиятнинг устивор йўналишлари белгиланган, мамлакат бўйича стратегия ва дастурнинг тўлиқ варианти директорлар кенгаши томонидан 2004 йилда кўриб чиқилади.

—Айтингчи, форумда қайси мамлакатлар вакиллари, аниқроғи, кимлар иштирок этади ва унинг иш тартиби қандай бўлади?

—Конференцияда юқори лавозимли расмий кишилар ва Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастурига аъзо мамлакатлар — Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой Халқ Республикаси, Мўғилистон, Тожикистон ва Ўзбекистон вакиллари иштирок этади. Мамлакатингиз делегациясига Бош вазир ўринбосари Рустам Азимов раҳбарлик қилади.

Бундан ташқари, конференцияга Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Россия, Туркия ва Туркманистон вакиллари кузатувчи сифатида таклиф этилган.

Шу ўринда диққатингизни яна бир муҳим нарсага қаратсам. Бу конференцияда олдингисидан фарқли ўлароқ йирик молиявий институтлар ва ташкилотлар — Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро валюта фонди, Ислом тараққиёт банки, Жаҳон банки ва албатта, Осиё тараққиёт банкининг юксак мартабали вакиллари ҳам қатнашади. Бу минтақавий ҳамкорлик бўйича биргаликда фаолият юритишни мувофиқлаштириш ва келажакда иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватловчи дастурга хайрихоҳ йирик ҳамкорлар таклиф этилади.

Бизнинг маълумот:

Осий тараққиёт банки кўп қирали молиявий институт бўлиб, унинг асосий мақсади Осиё ва Тинч океани минтақаси аҳолисининг яшаш тарзини юксалтиришга қаратилган. У 1966 йилда ташкил этилган. Бугун 62 давлат банк аъзоси ҳисобланади. Қароргоҳи Манилада (Филиппин) жойлашган. Жаҳоннинг турли бурчакларида 24 та офиси бор.

Вазирлар конференцияси делегация раҳбарларининг кириш сўзи билан бошланади. Шундан сўнг молия ташкилотлари вакиллари сўзга чиқадилар. Кейин ҳисобот тингланади. Кўриб турганингиздек, олдинда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва келгусида биргаликда қилинадиган ҳаракатларни мувофиқлаштиришни мақсад қилиб қўйган жиддий ва масъулиятли ишлар турибди.

— Бизга маълум бўлишича, Осиё тараққиёт банки президенти, пойтахтимизнинг фахрий фуқароси жаноб Тадао Чинонинг иш дастури жуда тиғиз экан.

— ОТБ президенти минтақани, хусусан, Ўзбекистонни яхши билади ва мамлакатингизга ўзгача қизиқиш билан қарайди. У Япония молия вазирининг ташқи алоқалар бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб юрган пайтларида ҳам Марказий Осий масалалари билан шуғулланган, Ўзбекистонга бир неча марта келган. Жаноб Тадао Чино Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг фаол тарафдоридир. У Осиё тараққиёт банкининг президенти сифатида иккинчи бор Тошкентга келаяпти.

Жаноб Тадао Чинонинг ташриф дастури, ҳақиқатан ҳам, жуда тиғиз. Бевосита конференциядаги иштирокидан ташқари, у бир неча юксак мартабали расмий кишилар билан учрашади, Термизга бориб Ҳайратон божхона пункти очилишида иштирок этади. Шу ерда яна бир нарсани таъкидлаш зарур. ОТБ шу йилнинг июнь ойида инфратузилмани реабилитация қилиш ва тиклаш заём лойиҳасини амалга ошириш бўйича Афғонистонга 150 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз бериш режасини тасдиқлади. Бу зудлик билан ёрдам бериш лойиҳаси автомобиль йўллари, энергетика ва газ инфратузилмасини қамраб олган. 90 миллион долларга яқин маблағ Трансафғон йўлагини, шу билан бирга, Афғонистонни Ўзбекистон билан боғловчи 52 километрлик Наибад — Ҳайратон йўлини таъмирлаш ва тиклаш ишларига ажратилди. Бу лойиҳанинг минтақа учун қанчалик аҳамият касб этишини гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Худди шу йўл Ўзбекистонни Форс кўрфазидаги портлар билан боғлайди.

Бундан ташқари, ОТБ президенти Термиз яқинидаги насос станциясига ҳам боради. Унинг тикланиши учун банк мазкур банк займи кўмагида 70 миллион АҚШ доллари ажратишни режалаштирган.

Суҳбатимиз сўнгида шуни таъкидлашим зарурки, бўлажак конференция минтақавий ҳамкорлик ва шу соҳадаги шериклик фаолиятини ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи ҳаракат механизми бўлиб хизмат қилади. Минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларнинг чуқурлашувига янги уфқлар очади, бундан буён ҳам интеграциялашув ва уни кенгайтиришни муҳокама қилиш имконини яратади.

Татьяна ОРЛОВА.

Академик Карим Содиқович АҲМЕДОВ

Мамлакатимиз кимё фани оғир жудоликка учради. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, кимё фанлари доктори, профессор Карим Содиқович Аҳмедов 89 ёшида вафот этди.

Карим Аҳмедов 1914 йили Тошкент шаҳрида туғилди. 1936 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) кимё факультетини тугатди. 1941 йилда номзодлик, 1958 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

К.Аҳмедовнинг самарали илмий изланишлари натижасида турли дисперс тизимларда юз берадиган физикавий-кимёвий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари маълум бўлди, сувда эрийдиган бир қатор янги полиэлектролитлар яратилди ва улар бугунги кунда халқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали қўлланмоқда.

Ташкилотчи олим К.Аҳмедов 1965-72 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кимё институти директори вазифасида самарали меҳнат қилди. 1972-87 йиллар мобайнида собиқ Тошкент политехника институти ректори лавозимида фаолият кўрсатиб, кимё, қурилиш, техника, нефть-газ ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишига муносиб ҳиссасини қўшди. Ўзбек кимё фанининг муносиб вакили сифатида АҚШ, Финляндия, Болгария, Германия, Венгрия каби бир қатор давлатларда ўтказилган йирик нуфузли анжуманларда иштирок этди.

К.Аҳмедов кимё, кимё технологияси, хусусан коллоид кимё фани муаммоларига доир 500 дан ортиқ мақолалар, монография ва рисолалар муаллифи. Унинг раҳбарлигида 10 нафар фан доктори ва 60 дан ортиқ фан номзоди тайёрланган.

Олимнинг фан ва олий таълим тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У 1998 йилда "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланган.

Таниқли олим, йирик фан ва олий таълим ташкилотчиси, меҳрибон устоз Карим Содиқович Аҳмедовнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар маркази

Газетада босилмади, аммо...

Газ ҳақини тўлаганмисиз?



Термиз шаҳар, Ю.Ражабий кўчаси, 2,4, 12-уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар номидан таҳририятга хат йўллаган Ф.Воҳидов хонадонлардаги мавжуд газ қувурлари ноқонуний кесилаётганлигидан шикоят қилган эди. Мазкур шикоят хати юзасидан яқинда Сурхондарё вилояти ҳокимлигидан расмий жавоб олдик. Унда таъкидланишича, *текшириш жараёнида Термиз шаҳар, Ю.Ражабий кўчаси, 2, 4, 12-уйларда истиқомат қилувчи аҳолининг газ учун ҳақ тўлаш бўйича қарздорлиги туфайли газ таъминоти тўхтатиб қўйилганлиги аниқланган. "Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш қоидалари"га асосан газ учун ҳақ тўлаш бўйича қарз мавжуд бўлганда, газ таъминоти корхонаси газ етказиб беришни қисман камайтириш ёки батамом тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.*

Истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш эса белгиланган қатъий лимит доирасида амалга оширилмоқда. Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан Термиз шаҳри бўйича бир суткада 15-20 минг куб метр газ белгиланган нормадан ортиқча сарфланмоқда.

Шахсан фуқаро Ф.Воҳидов эса ошхонасидаги газ плитасини ўзбошимчалик билан ошхона учун мўлжалланмаган ҳажми кичик бошқа хонага кўчириб ўтказган ва хавфсизлик қоидаларини қўпол равишда бузган. Ушбу қоидабузарликнинг ўзи ҳам бу хонадонни бутунлай газ тармоғидан узиб қўйишга асос бўлади. Шунингдек, мазкур уйларда газ ҳисоблаш асбоблари ўрнатилмаган.

Ўтган йили қиш мавсумида магистрал газ қувурининг Туркманистон Республикаси ҳудудидан ўтган қисмида тез-тез авария содир бўлганлиги сабабли газ таъминотида ҳақиқатан узилишлар бўлган. Шўртан-Шеробод магистрал газ қувури қурилиб ишга тушиши муносабати билан бу йилги куз-қиш ойларида табиий газ таъминотида узилишлар бўлмаслиги таъминланади.

Расмий жавобга Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Х.РАМАЗАНОВ имзо чеккан.

D-AMPS GSM
UZDUNROBITA
first cellular
ЎЗБЕКИСТОНДА
ЭНГ ЯНГИ ВА ЭНГ КЕНГ
GSM ТАРМОҒИ



Маҳаллий алоқа, шаҳарлараро алоқа ва халқаро роуминг, овозли телефониянинг ҳамма кўшимча хизматлари, электрон почта, овозли почта, факс почта, SMS - қисқа маълумотлар хизмати, Халқаро SMS, маълумотлар юбориш, мобил пейджинг маълумотлар қабул қилиш ва жўнатиш, туну кун маълумот олиш, "плюс" хизмати: об-ҳаво, валюта курслари, мунажжимлар башорати ва бошқа нарсалар.

NEW!

GSM алоқа тармоғини кенгайиши: Қорақалпоғистон Республикаси - Қўнғирот, Беруний шаҳарларида, Сирдарё вилоятининг Малик қўрғонида.

давоми бор...

ТОШКЕНТДАГИ СЕРВИС МАРКАЗИ МАНЗИЛИ: УСМОН ЮСУПОВ КЎЧАСИ, 16-ЙЙ ("ЛАБЗАК")
130 09 09, 131 09 09, 103 09 09
"ЎЗДУНРОБИТА" ҚК ТЕЛЕФОНЛАРИДАН - 611
WWW.UZDUNROBITA.UZ

КОМПАНИЯНИНГ ВИЛОЯТЛАРДАГИ БЎЛИМЛАРИ:
АНДИЖОН: (2)290909; БУХОРО: (22)70909; ЖИЗЗАХ: (22)79909; НУКУС: (22)10909; ҚАРШИ: (22)20909; САМАРҚАНД: (2)380909; НАВОИЙ: (22)80909; НАМАНГАН: (22)12909; ТЕРМИЗ: (22)29909; ГУЛИСТОН: (2)240909; ФАРҒОНА: (2)210909; ҲИВА: (22)10909; ОЛМАЛИҚ: (61)60909; БЕКОБОД: (91)23456; ДЕНОВ: (41)19909; ЧИРЧИҚ: (71)69909; ЯНГИЙЎЛ: (60)40909; ШАҲРИСАБЗ: (52)21900; ҚЎҚОН: (55)70909;

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН

D-AMPS GSM
UZDUNROBITA
first cellular



Соатдек аниқ ишлайдиган алоқа

ТОШКЕНТДАГИ СЕРВИС МАРКАЗИ МАНЗИЛИ: УСМОН ЮСУПОВ КЎЧАСИ, 16-ЙЙ ("ЛАБЗАК")
130 09 09, 131 09 09, 103 09 09
"ЎЗДУНРОБИТА" ҚК ТЕЛЕФОНЛАРИДАН - 611
WWW.UZDUNROBITA.UZ

КОМПАНИЯНИНГ ВИЛОЯТЛАРДАГИ БЎЛИМЛАРИ:
АНДИЖОН: (2)290909; БУХОРО: (22)70909; ЖИЗЗАХ: (22)79909; НУКУС: (22)10909; ҚАРШИ: (22)20909; САМАРҚАНД: (2)380909; НАВОИЙ: (22)80909; НАМАНГАН: (22)12909; ТЕРМИЗ: (22)29909; ГУЛИСТОН: (2)240909; ФАРҒОНА: (2)210909; ҲИВА: (22)10909; ОЛМАЛИҚ: (61)60909; БЕКОБОД: (91)23456; ДЕНОВ: (41)19909; ЧИРЧИҚ: (71)69909; ЯНГИЙЎЛ: (60)40909; ШАҲРИСАБЗ: (52)21900; ҚЎҚОН: (55)70909;

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН

Мулоҳаза

Кўпинча жамоат жойларида, транспортда бугунги ёшларнинг кийиниши ҳақидаги суҳбатларга гувоҳ бўламиз. Ўзингиз истамаган ҳолда сиз ҳам ана шу суҳбатнинг иштирокчисига айланасиз.

Замонасоз эмас, замонавий бўлайлик

Ўқиганим бор, мусулмончиликда аёлларнинг ишлашига қуйидаги ҳолатда рухсат берилар экан. Аввало уларнинг туриш-турмуши бошқалар эътиборини тортмаса, турли хил гап-сўзларга сабабчи бўлмаса ва кийган кийими бошқалар эътиборини жалб этмаса. Хўш, бугун айрим ёшларимизнинг кийинишлари, жамоат жойларида ўзларини тутишлари, муомалаларини қандай баҳоласа бўлади.

Яқинда мактабда ота-оналар йиғилишида бўлдим. Унда ўқувчи қизларнинг кийиниши ҳақидаги масала ҳам кўрилди. Тўққизинчи синфнинг раҳбари Лола опа ота-оналар олдига бир масалани кўндаланг қўйди.

— Очиғи, айрим қизларимизнинг кийинишларидан уялиб кетаман,— деди у.— Бир куни шундай ҳол бўлди. Доскада масала ечаётган қизимизнинг қўлидан бўр тушиб кетди. Бўрни ердай олай деса, аввало кўкраги очиқ калта кўйлакда. Эгилганда бўлди кулгу, бўлди кулгу. Айрим йигитчалар луқма ҳам ташлашди. Қизимиз илмоқли гапларга чидолмай, йиғлаб чиқиб кетди.

Кутилмаган вазиятларда қизларимиз изза бўлмасликлари учун мактабда, лоақал, тиззадан кийим кийиш керак, деб ўйлайман.

Ўша куни кимдир ундай деди, кимдир бундай. Севара исмли қизнинг (синфда мулзам бўлган қиз айнан Севара эди) онаси сўз сўради:

— Масалан, менинг қизим замонавий қиз. Мен унга ундай кийин, бундай кийин деб айтолмайман. Унинг қандай кийиниши, аввало, ўзига боғлиқ. Қолаверса, бир эмас, учта акаси қизимнинг мини юбка кийишига рухсат бериб қўйибди. Сизлар қизларимизнинг ҳижобга ўралиб юришини хоҳлайсизми?

Шу билан ота-оналар йиғилиши тугади. Ўқитувчи ҳам, бошқалар ҳам жимгина хайрлашишди. Замонавий қизнинг замонавий онаси эса "бопладимми" дегандай шахдам қадамлар билан хонани тарк этди.

Шу ўринда мулоҳазага борасан киши. Тўғри, фарзанд сизники. Уни қандай кийинтириш ҳам сизнинг инон-ихтиёрингизда. Бироқ, фарзандингиз жамиятдан айро яшамайди-ку!

Ёшларни-ку қўятурайлик, айрим катталарнинг кийинишлари ҳам кўпчиликни ажаблантиряпти. Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. "Чорсу" бозорини айланиб юргандик, чиройли, узун кўйлак кийган бир гуруҳ қизлар ўтиб қолишди. Ўзларини тутишлари ҳам, бир-бирларига қилаётган муомалалари ҳам ҳавас қилгудек. Шу пайт кийим харид қилаётган икки аёлнинг суҳбати қулоғимга чалинди:

— Нима зарур экан, иссиқ кунда рўдапо кийим кийиш.

— Ҳозирги айрим ёшларга шунақа юриш мода бўлиб қолди,— деди иккинчиси.— Шуям қилиқ бўлди-ю!

Аёлларга разм соламан: ёшлари олтмишдан ошган, юзу кўзларига табиатда неча хил ранг бўлса чапланган. Этаги нақд сонигача йирмоқ қўйилган енгсиз кўйлакда. Дастлаб эътибор бермаган эканман, уларнинг ёнларида қизлари ҳам бор экан. Ўша аёлларнинг «замонавий» қизлари атрофдаги одамларга эътибор ҳам бермай, бемалол ечиниб кофта кийиш билан банд эди. Аёллардан бири қўлидаги газета билан қизининг яланғоч баданини гўё тўсиб турарди.

Беихтиёр уларни кузата бошладим. Кофта қизга ёқмади чоғи, ўз кийимини қайта кийди. Энг ажабланарли томони, бўй етган қиз деярли яланғоч —"топик" да ва калта шортида эди. Она-болаларнинг ёнларида бояги "рўдапо" қизлар гўёки фаришстани эслатишади.

Бу билан мен қиз ва жувонларимиз рўмол ўраб ёки этаги узун кийимлар кийиб юрсин демоқчи эмасман. Ҳамма нарсада меъёр бўлиши тарафдориман холос. Ҳатто кийинишда ҳам. Биз сўнгги пайтларда одамларнинг кийинишларига қараб баҳо беришга одатланиб қолдик. Қанчалик европага тақлид қилиб кийинса, гўёки у энг маданиятли, замонавий аёл ҳисобланади. Агар унинг суратигина эмас, сийрати ҳам ўта гўзал бўлганидами... Айрим қизларимизнинг қаддиқоматлари, кийимларини кўриб кўзинг қувонса, уларнинг оғзиларидан чиқаётган беҳаё сўзларни эшитиб дилинг оғрийди. Устига-устак кўча-кўйларда, жамоат жойларида ўзлари каби олифта йигитчалар билан бемалол қучоқлашиб, ялашиб-юлқашларини айтмайсизми? Гўё атрофда улардан бошқа одам йўқдек. Ҳатто соч-соқоли оппоқ отахон ёки онахонлардан хижолат ҳам бўлишмайди. Бўй етган, эрта-индин бировнинг хонадонига келин бўлиб тушадиган қизларнинг киндикларини очиб юришларига нима дейсиз? Наҳотки, эрталаб фарзанди қандай кийимда ўқишга ёки ишга кетаётганидан она бехабар бўлса? Бўй етган қизларининг бегона эркаклар олдида соғларини очиб шортида ёки ярим яланғоч кийимда юришларига улар бепарво бўлишса ва буни юксак маданият белгиси деб ҳисоблашса...

Биз иймонли, эътиқодли, илдизлари энг тоза булоқлардан сув ичган миллат фарзандларимиз. Аёлларимиздаги орномус, иффату назокат ҳамиша қадрланиб келинган. Ва бизнинг эрларимиз насл давомчилари — аёлларимизни асраб-авайлаганлар. Кўксиларини қалқон қилиб ногоҳоний шамоллару тўфонлардан, турли гап-сўзлар, ноқисликлардан асраганлар. Аёллар ҳам ҳамиша ана шу эъзозга, эътиборга муносиб бўлишган. Халқимизгагина хос бўлган урф-одатлар, анъаналаримизнинг асрлар давомида сақланиб, сайқалланиб келаётганлигининг асосий сабаби ҳам ана шу эъзоз натижасидир. Биз замонасоз эмас, замонавий бўлишга интилайлик. Токи, "замона зайли" сабаб гулданда нозик аёлларимиз, иффат маликалари ҳисобланган қизларимиз ҳиссиз, фаришстасиз кимсаларга айланиб қолишмасин.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Голиблик терма жамоага ҳам юқсин

Ўтган ҳафта футболчиларимиз учун омадли келди. Аввалига Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида ташкил этилган Афро-Осиё ўйинларида жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўраётган Виктор Борисов шогирдлари ғалаба қозонишди. Акаларининг муваффақиятини ёшларимиз ва ўсмирларимиз пойтахтимиздаги "Жар" спорт мажмуи ўйингоҳида бўлиб ўтган Осиё чемпионати саралаш баҳсларида давом эттиришди. Шри-Ланка ва бутанлик тенгқурларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган футболчиларимиз келаси йили Малайзия ва Японияда ўтказиладиган Осиё чемпионати финал учрашувларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Футбол

Энди ўзбекистонлик барча футбол мухлисларининг бутун эътибори миллий терма жамоамизга қаратилган. Сабаби терма жамоамиз 2004 йили Хитойда бўлиб ўтадиган Осиё кубогига йўлланма олиш учун саралаш учрашувларида майдонга тушади. Рақибларимиз қитъа футболида ўзига хос нуфузга эга бўлган Таиланд, Тожикистон ва Гонк-Конг терма жамоаларидир.

Ўзбекистон терма жамоаси иштирокидаги ўйинлар "Пахтақор" марказий стадионида, қолган учрашувлар эса "Жар" спорт мажмуи ўйингоҳида бўлиб ўтади.

Салкам икки йилдан бери расмий мусобақаларда иштирок этмаган терма жамоамиз бугун дастлабки ўйинини Гонк-Конг футболчиларига қарши ўтказишади. Олинган маълумотларга кўра, биринчи учрашувга жамоамизнинг энг кучли ҳужумчиси ҳисобланган Максим Шацких келмаслиги мумкин. Чунки Киевнинг "Динамо" жамоаси кеча Европа чемпионлар лигасида "Арсенал"га қарши тўп сурган. Шунингдек, Владимир Маминов, Олег Пашининлар ҳам "Локомотив" таркибида шундай мусобақада иштирок этаётганликлари боис илк ўйинда терма жамоага ёрдам бериша олмайди. Лекин уларнинг энг асосий рақибимиз саналган Таиландга қарши ўйинда иштирок этиши кутилмоқда. Бразилиялик мураббий Карлос Роберто До Карвалво бошчилигидаги таиландлик футболчилар юртимизга асосий таркиби билан ўтган ҳафтанинг жума куни етиб келишган.

Дилмурод ПАРПИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

«AVTOTRAK» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

ЗИЛ, ГАЗ ва бошқа автомобилларга дизель ўрнатишга давлат патентларига эга ва тегишли буюртмалар қабул қилади.

Қуйидагиларни КРЕДИТГА СОТАДИ:

Автомобилларга мослаштирилган энг тежамли МТЗ дизеллари, МТЗ дизели ўрнатилган ЗИЛ, ГАЗ-САЗ... автомобиллари, автокранлари, намуна блок-«кожухлар» («центровкаланган»); ЗИЛ-130-нинг таъмирланган мотори, янги распредваллар; ЗИЛ 4331-нинг распилителлари; «ИКАРУС», «АВИА»нинг плунжерлари; «АЛТАЙ» «АВИА»нинг блок ва валлари.

ДАСТЛАБКИ ПАТЕНТ

«AVTOTRAK»нинг Гулистон, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро ва бошқа вилоят, туманларда филиалларини очиш мақсадида тадбиркорларни ҳамкорликка таклиф этамиз!

МТЗ дизели ўрнатилган ГАЗ ва ЗИЛ автомобиллари 100км. масофага атиги 17 — 20л. ёқилғи сарфлайди.

Манзилимиз: Тошкент ш., Аэродромная к., 5-уй (мўлжал — ТЭА).
Телефонлар: 123-65-43, 131-34-65.

Муҳтарам жаноблар!

2004 ЙИЛ УЧУН «СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ЖУРНАЛИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Амалиёт жорий йилнинг ўрталарида «Инфонет-сервис» МЧЖ билан ҳамкорликда бошланган лойиҳа кўплаб ўқувчиларимизни қизиқтириб қолганини кўрсатмоқда. Шу ўринда эслатиб ўтмоқчимизки, кимки нашримизга бир йилга обуна бўлган бўлса, унинг хоҳишига кўра, электрон почта (E-mail) қутиси бепул очилади. У орқали мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва солиқ тизимини такомиллаштиришга қаратилган барча қонунлар, фармонлар, қарорлар, бошқа қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар ҳам текинга тарқатилади. Бундан ташқари, журналхонларнинг саволларига мутахассисларнинг жавобларини, шарҳ ва тушунтиришларини, бошқа керакли ва қизиқарли ахборотларни шу йўл билан оласиз.

Мазкур лойиҳа келаси йилда ҳам фаолият кўрсатади. Айни пайтда бўлажак муштарийларимиз совға сифатида интернет-варақчани олиб, ўз билгиларича беш соат мобайнида жаҳон компьютер тармоғининг барча имкониятларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Журналимизга «Матбуот тарқатувчи» АК, «БТЛ» агентлиги, «Expres-Tezkor» МЧЖ, «Kaleon-Press» ШК, «Мастер-Пресс» ОАЖ, «Александр Маркет» ХФ ҳамда таҳририят тарқатиш хизматининг Тошкент шаҳрининг барча давлат солиқ инспекцияларида иш олиб борувчи вакиллари орқали ва, табиийки, бевосита таҳририятнинг ўзида обуна бўлиш ва совға интернет-варақчани олиш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 21-уй.
Маълумот учун телефонлар: 152-26-69, 133-02-67.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ қуйидаги объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ (ТЕНДЕР) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Бахмал туманининг Шойбек қишлоғидаги мактабни касб-ҳунар коллежи учун қайта таъмирлаш.
2. Фориш туманининг Янгиқишлоқ туман марказидаги касб-ҳунар билим юртини касб-ҳунар коллежи учун қайта таъмирлаш.
3. Жиззах шаҳридаги педагогика билим юртини касб-ҳунар коллежи учун қайта таъмирлаш.

Ишларни тугаллаш муддати — 2004 йил III-чорак.
Буюртмачи — Жиззах вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси.
Манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй. Телефонлар: 222-31-59, 222-30-11.

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида иштирок этиш истагини билдирган пудратчи ташкилотлар қуйидаги малака талабларига жавоб беришлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдоридаги айланма маблағларга ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, объектда ишлари бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислари ҳамда ўз кучи билан ва ўхшаш объектларни қуриш бўйича иш тажрибаси борлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эгалиги.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси Жиззах вилояти филиалига тендер ҳужжатларини олиш ҳақидаги сўровнома билан эълон чоп этилган кундан бошлаб соат 9.00дан 18.00гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари сўр: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 312 ва 315-хоналар. Тел./факс: (8-372) 226-14-66, 226-05-42.

Тендер ҳужжатлари бир тўплашнинг нархи — 50000 сўм.

Оферталар юқоридаги манзил бўйича қабул қилинади. Оферталарни тақдим этишнинг энг охирги муддати — тендер комиссиясининг оферталарни очиб кўриш бўйича йиғилиши куни ва соатигача. Оферталар эълон чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан сўнг соат 10.00да тендер комиссияси томонидан қуйидаги манзилда кўриб чиқилади: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй, вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар зали.

Диққат танлов!

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД номидаги

МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

қуйидаги кафедралар мудири лавозимларига танлов эълон қилади:

- ҳайкалтарошлик;
- тасвирий санъат тарихи ва назарияси;
- менежмент ва информатика;
- театр безак рангтасвири.

Танлов муддати — эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: 700000, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, С.Азимов кўчаси, 35-уй, ходимлар бўлими.

Телефонлар: 132-18-39, 132-17-62.

Маъмурият.

Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда

Алломалардан бири

Домла Убайдулла Уватов билан суҳбатлашишни яхши кўраман. Сабаби, ҳамиша ўтмиш меросимизнинг аллома фузалолари — қайсидир ватандошимизнинг ё ҳаёти, фаолияти, ё асарлари хаёли билан бўладилар. Ва ҳар бир суҳбатларида улар ҳақида нимадир янгилик айтадилар, завққа тўлиб ҳикоя қиладилар.

Ал-Мотуридийя мактабининг энг йирик намояндаларидан бири, калом илмининг таниқли олими Абул Муъийн ан-Насафий (1027-1114) ҳақида кейинги пайтларда у кишидан кўп тафсилотлар эшитгандим. Буни қарангки, улар "Абул Муъийн ан-Насафий (ҳаёти ва мероси)" деган ширингина рисолага жамланибди.

Яқинда "Маънавият" нашриётида чоп этилган китобчада алломанинг ҳаёти ва илмий-маънавий мероси ҳақида илк марта муҳим маълумотлар келтирилади. Муаллиф ан-Насафийнинг имом фозил, сайф ул-ҳақ (ҳақиқат қиличи), жом ал-усул, ал-имом аз-зоҳид, ал-фақийҳ ал-ханафий, ал-олим ал-бориъ (юксак билимдон олим) сингари бир қатор лақабларини келтирар экан, бунинг сабаби унинг зиёли оилада улғайгани, аждодларидан кўплари фиқҳ илми соҳасидаги улкан салоҳиятлари билан эл-юрт орасида танилган кишилар бўлганлигини таъкидлайди. Абул Муъийн ан-Насафий узоқ умр кўриб, 87 ёшида вафот этган. Унинг қабри Қарши шаҳри яқинидаги Қовчин қишлоғида жойлашган.

Китобчада алломанинг шогирдларига бағишланган бўлим алоҳида ўрин тутади. Боиси унда ўндан ортиқ олиму фузалоларнинг исми, тарихда ўчмас из қолдирган асарларининг номи ва қисман баёни ҳам келтирилади. Бундай тадқиқотлар ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди, албатта. Рисолани олим У.Уватовнинг машаққатли меҳнати, тинимсиз изланишлари маҳсули дейиш ўринли бўлар. Шунингдек, ватандошимиз яратган асарлари ҳақидаги маълумотлар ҳам ўқувчига маънавий озуқа инъом этади.

Умида ФАЙЗИЕВА.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

MAKSIMA МЕБЕЛЬ САЛОНИ

Италия, Испания, Польша, Германиядан келтирилган мебеллар, ёритгичлар, қандиллар, идиш-товоқ, расмлар, кўрпа-ёстиқ анжомлари ва санъат маҳсулотларини таклиф этади.

MAKSIMA АРТ-ДИЗАЙН-СТУДИЯСИ

хонадонингиз, ҳовлингиз дизайнини якка тартибда ишлаб беради. Каталог бўйича буюртмангиз етказиб берилади.

Янги маҳсулотлар

Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиғиб бериш — БЕПУЛ.
Тушликсиз ва дам олиш кунисиз ишлаймиз.
Манзилимиз: Тошкент ш., Қуйаев к. (собиқ Сапёрная), 46-уй.
Мўлжал — Миробод бозори.
Тел.: 111-14-44, 152-75-94.
e-mail : maksima_@globalnet.uz

Товарлар сертификатланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

HP LASERJET 1000 (ЁКИ 1010) ЛАЗЕРЛИ ПРИНТЕРЛАРНИ (360 ДОНА) ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Телефонлар: 144-97-66, 144-97-45, факс: 144-22-96.

Таклифлар эълон чоп этилгандан бошлаб уч кун давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Абай к., 6-уй, 123 ва 124-хоналар.

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 2-қават, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63.

"РОССИЯ ШИНАЛАРИ" ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ АВТОШИНАЛАРИНИ СОТАДИ:

✓ Барча турдаги
✓ Тошкентдаги омборлардан

ГАЗ, КамАЗ, УАЗ, ЗИЛ, МАЗ эҳтиёт қисмлари тўпламлари.

Доимий чегирмалари мавжуд

РОССИЯ ТЕХНИКАЛАРИ УЧУН АККУМУЛЯТОРЛАР БУЮРТМА АСОСИДА

Тел./Факс: 79-28-75, 79-28-73.

Маҳсулот сертификатланган.

«Медиз» қўшма корхонаси жамоаси техника директори ўринбосари Равшан Аҳмедовга падари бузруквори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги **Карим АҲМЕДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ректорати ва жамоаси институт Поликлиник педиатрия ва реабилитология кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдуғаффор Исроиловга падари бузруквори **РАЗЗОҚ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси республика радиоси жамоаси Сурхондарё вилояти бўйича мухбири Нортожи Зиёевга фарзанди **Шомирза НОРТОЖИ ўғлининг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаипбергенов, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0066. 22589 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Ⓣ -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир —Қ. Эшматов.
Навбатчи — М. Нормуродова.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 20.50 1 2 3 4 5